# So'x tumani hokimining qarori So'x tumanining 2023 yilgi mahalliy byudjetini tasdiqlash to'g'risida



Нажмите Esc для выхода из полноэкранного режима

**XALQ DEPUTATLARI SO'X TUMAN KENGASHI**

**Q A R O R I**

2022 - yil 30 - dekabr VI-64-124-11-159-K/22 So'x tumani hokimligi

ЛОЙИҲА

**Сўх туманининг 2023 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида.**

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 24-моддаларига,Бюджет кодексининг 99-моддаси, "2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонуни лойиҳаси, Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг 2022 йил 30-декабрдаги "Фарғона вилоятининг 2023 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги VI-52-171-11-0-K/22-сонли қарорига мувофиқ ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги молия бош бошқармаси бошлиғининг 2022 йил 30-декабрдаги №01/01-38/2753-сонли хатини инобатга олиб,Сўх туманининг маҳаллий бюджетини қабул қилиш мақсадида, Халқ депутатлари Сўх тумани Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг 2022 йил 30-декабрдаги "Фарғона вилоятининг 2023 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги молия бош бошқармаси бошлиғининг 2022 йил 30-декабрдаги №01/01-38/2753-сонли хатини раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. "2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонуни лойиҳасига асосан ишлаб чиқилган Халқ депутатлари

Фарғона вилояти кенгашининг 2022 йил 30-декабрдаги“ Фарғона вилоятининг 2023 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-52-171-11-0-К/22-сонли қарорига мувофиқ 2023 йилга Сўх тумани маҳаллий бюджетига вилоят маҳаллий бюджетидан ажратиладиган, тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 109 393 960.0минг.сўм миқдорида тасдиқланганлиги ҳамда туман маҳаллий бюджети даромадлари 18 523 691.0минг.сўм ва харажатлари эса 127 917 651,0минг.сўм миқдоридаги прогнозлари маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қарорга асосан 2023 йилда:

а) Мобиль алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2022 йил 1 июль ҳолатига кўра туман аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилиши маълумот учун қабул қилинсин.

б) Қуйидаги солиқ турлари туман маҳаллий бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилиши маълумот учун қабул қилинсин:

- жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
- жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;
- айланмадан солиқ;
- якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;
- давлат мулки бўйича ижара тўловлари;

в) Туман маҳаллий бюджетларига қуйидаги улушларда:

Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ туридан тушумларнинг 50 фоизи;

Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализацияси қилишдаги акциз солиғидан тушумларнинг 20 фоизи;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушган пул маблағларининг 50 фоизи;

юридик шахсларнинг ер солиғи ва мол-мулкига солинадиган солиқ ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ туридан тушган тушумларнинг 50 фоизи;

давлат бюджетига ундириладиган жарималарнинг 30 фоизи;

Жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғидан

тушумларнинг (якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғидан ташқари) 50 фоизи ўтказиб берилиши маълумот учун қабул қилинсин;

4. Туман маҳаллий бюджети даромадларининг 2023 йил учун прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ, туман маҳаллий бюджетидан 2023 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ,маҳаллий бюджетнинг даромадлари баланси 3 иловага мувофиқ,2023 йил учун бюджет дромадларининг маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланиши буйича ажоратма меъёрлари 4-иловага мувофиқ,маҳаллий бюджетнинг 2023 йил даромадлари ва харажатларининг чегаравий ҳажми 5-иловага мувофиқ,маҳаллий бюджетнинг 2023 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансферлар миқдори 6-иловага мувофиқ ва 2023 йил учун туман бюджетида айланма касса маблағларининг йул қуйиладиган энг кам миқдори 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**5**. Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ захира жамғармалари маҳаллий бюджетларнинг тасдиқланган харажатларининг камида 1 фоизи миқдорида шакллантирилиши белгиланганлигидан келиб чиқиб, 2023 йил учун туман маҳаллий бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 1 204 292.0 минг.сўм миқдорида тасдиқлансин.

Туман ҳокимлиги захира жамғармаси маблағларини туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилишини таъминласин.

6. Қарорга кўра 2023 йил учун туман бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар ўтган йилга нисбатан ўзгаришсиз яъни 247,0 млн.сўм миқдорда белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. Туман маҳаллий бюджети даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилаётган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро

трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан вилоят ҳокимлигига мурожаат қилиши қонун билан белгиланганлиги инобатга олинсин.

8. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан қўшимча амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар маҳаллий бюджетнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манбалар ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

9. Туман ҳокимлиги ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар билан биргаликда:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларини етарли даражада режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини таъминлаш;

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинадиган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларини молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар ҳокимликлар томонидан мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириш;

маҳаллий бюджетнинг қўшимча даромадларини 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

10. Туман ҳокимлиги бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар Кенгашга киритиб борилишини таъминласин.

11. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодийислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимлиги зиммасига

юклатилсин.

**Kengash raisi** **С.Сайидмусаев**

Xalq deputatlari So‘x tuman
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-64-124-11-159-K/22-son qaroriga
1-ilova

**Сўх тумани маҳаллий бюджети даромадларининг 2023 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари**

минг сўмда

| Т/Р | Даромад турлари | Жами |
|---|---|---|
| **I.** | **Тартибга солувчи даромадлар** | **1 425 000** |
| 1 | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 1 425 000 |
| 2 | Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи | 0 |
| **II.** | **Бириктирилган даромадлар** | **3 939 100** |
| | **Тўлиқ туман маҳаллий бюджетига** | **1 920 000** |
| 1 | Корхоналар айланмасидан солиқ | 1 177 000 |
| 2 | Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 59 000 |
| 3 | Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 285 000 |
| 4 | Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи | 393 000 |
| 5 | Давлат мулки бўйича ижара тўловлари | 6 000 |
| | **Вилоят ва туман маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланадиган даромадлар** | **2 019 100** |
| 1 | Қурилиш материаллари бўйича ер қаридан фойдаланганлик учун солиқ | 369 000 |
| 2 | Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи | 576 600 |
| 3 | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 138 500 |
| 4 | Юридик шахслардан ундириладиган ер солиғи | 517 500 |
| 5 | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 38 000 |
| 6 | Жарималар | 379 500 |
| **III.** | **Маҳаллий бюджет даромадлари прогнози** | **5 364 100** |
| **IV.** | **Ўтказиб бериладиган даромадлар** | **13 159 591** |
| | *Аҳоли сони (минг киши)* | *81* |
| 1 | Алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво | 5 323 729 |
| 2 | Мобиль алоқа хизматини кўрсатганлик учун акциз солиғи | 2 283 570 |
| 3 | Тамаки маҳсулотлари бўйича акциз солиғи | 5 552 292 |
| **V.** | **Маҳаллий бюджетларнинг жами даромадлари** | **18 523 691** |

Xalq deputatlari So‘x tuman
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-64-124-11-159-K/22-son qaroriga
2-ilova

**Сўх тумани маҳаллий бюджетидан 2023 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари**

минг сўм

| **Т/р** | **Туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан маблағ олувчи ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар номи** | **Сумма (минг сўм)** |
|---|---|---|
| 1 | Мактабгача таълим бўлими | 12 776 300,0 |
| 2 | Халқ таълими бўлими | 9 551 630,0 |
| | Шундан Мусиқа ва санъат мактабларни сақлаш харажатлари | 1 297 000,0 |
| 3 | Тиббиёт бирлашмаси | 40 269 636,0 |
| 4 | Маданият бўлими | 1 731 157,0 |
| 5 | Спортни ривожлантириш бўлими | 2 317 316,0 |
| 6 | Бандлик ва меҳнат муносабатлари бўлими | 715 707,0 |
| 7 | Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими | 770 450,0 |
| 8 | Ирригация бўлими | 920 887,0 |
| 9 | Қишлоқ хўжалиги бўлими | 474 480,0 |
| 10 | Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (Марказлашган ҳисобхона) | 102 044,0 |
| 11 | Ободонлаштириш бошқармаси | **10 313 700,0** |
| | Ободонлаштириш бошқармасини саклаш харажатлари | 7 313 700,0 |
| | шундан: Ички хўжалик автомобиль йўлларни таъмирлаш харажатлари | 3 000 000,0 |
| 12 | Молия бўлими | 1 178 575,0 |
| 13 | Ёшлар ишлари агентлиги ҳудуди бўлими | 2 922 474,0 |
| 14 | Кенгаш котибиятини сақлаш харажатлари | 195 853,0 |
| **15** | **Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими** | **2 422 865,0** |
| | шундан Ўзини-ўзи бошқариш органлари (МФЙлар) | 1 898 642,0 |
| **16** | **Ҳокимият** | **41 254 577,0** |
| шундан | | |
| | Ҳокимликни сақлаш харажатлари | 2 300 145,0 |
| | Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази | 2 949 037,0 |
| | Оила ва хотин-қизлар бўлими | 1 745 059,0 |
| | Ижтимоий нафақалар | 26 077 000,0 |
| | Ижтимоий кўникма марказлари ("дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети" ва марказни сақлаш харажатлари) | 65 855,0 |
| | "Ташаббусли бюджет" жамғармасига ўтказиладиган маблағлар | 6 284 189,0 |
| | Ҳоким ёрдамчилари тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун ажратилган маблағлар | 629 000,0 |
| | Захира жамғармаси | 1 204 292,0 |
| | **Харажатлар жами** | **127 917 651,0** |

Xalq deputatlari So‘x tuman
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-64-124-11-159-K/22-son qaroriga
3-ilova

**Маҳаллий бюджетларининг даромадлари бўйича**

**2023 йил учун БАЛАНСИ** **минг сўмда**

| № | Даромадлар номи | Сўх тумани |
|---|---|---|
| I. | Тартибга солувчи даромадлар | 1 425 000 |
| 1 | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | *1 425 000* |
| 2 | Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи | *0* |
| II. | Бириктирилган даромадлар | 3 939 100 |
| | Тўлиқ туман маҳаллий бюджетига | 1 920 000 |
| 1 | Корхоналар айланмасидан солиқ | 1 177 000 |
| 2 | Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 59 000 |
| 3 | Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 285 000 |
| 4 | Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи | 393 000 |
| 5 | Давлат мулки бўйича ижара тўловлари | 6 000 |
| | Вилоят ва туман маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланадиган даромадлар | 2 019 100 |
| 1 | Қурилиш материаллари бўйича ер қаридан фойдаланганлик учун солиқ | *369 000* |
| 2 | Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи | *576 600* |
| 3 | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | *138 500* |
| 4 | Юридик шахслардан ундириладиган ер солиғи | *517 500* |
| 5 | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | *38 000* |
| 6 | Жарималар | *379 500* |
| III. | Маҳаллий бюджет даромадлари прогнози | 5 364 100 |
| IV. | Ўтказиб бериладиган даромадлар | 13 159 591 |
| | *Аҳоли сони (минг.киши) 01.07.2021 ҳолатига* | *81* |
| 14 | Алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво | 5 323 729 |
| 15 | Мобиль алоқа хизматини кўрсатганлик учун акциз солиғи | 2 283 570 |
| 16 | Тамаки маҳсулотлари бўйича акциз солиғи | 5 552 292 |
| V. | Маҳаллий бюджетларнинг жами даромадлари | *18 523 691* |
| **VI.** | Маҳаллий бюджетларнинг жами харажатлари | 127 917 651 |
| **VII.** | Трансфертлар | 109 393 960 |

Xalq deputatlari So'x tuman
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-64-124-11-159-K/22-son qaroriga
4-ilova

# 2023 йил учун бюджет даромадларининг маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланиши бўйича

# ажратма меъёрлари

***Фоиз ҳисобида***

| Т/Р | Туманлар номи | Корхоналар айланмасидан солиқ | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | Янга тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | Юридик шахслардан ундириладиган фойда солиғи | Бензин, дизел ёқилғиси ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиқ | Жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ | Жисмоний шахслардан ер солиғи | Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ | Давлат мулки бўйича ижара тўловлари | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | Юридик шахслар ер солиғи | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | Жарималар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Сўх тумани | 100 | 50 | 100 | 0 | 20 | 100 | 100 | 50 | 100 | 50 | 50 | 50 | 50 |

Xalq deputatlari So'x tuman
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-64-124-11-159-K/22-son qaroriga
5-ilova

**Сўх туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил даромадлари ва харажатларининг чегаравий ҳажми**

минг сўмда

| № | Худуд номи | Даромад | Харажат |
|---|---|---|---|
| **ЖАМИ** | | **18 523 691,0** | **127 917 651,0** |
| 1 | Сўх тумани | 18 523 691,0 | 127 917 651,0 |

Xalq deputatlari So‘x tuman
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-64-124-11-159-K/22-son qaroriga
6-ilova

**Сўх туман маҳаллий бюджетининг 2023 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари**

**минг сўмда**

| № | Шаҳар ва туманлар | Тартибга солувчи трансферт миқдори жами |
|---|---|---|
| | **ЖАМИ** | **109 393 960** |
| 1 | Сўх тумани | 109 393 960 |

Xalq deputatlari So‘x tuman
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-64-124-11-159-K/22-son qaroriga
7-ilova

**2023 йилда Сўх туман маҳаллий бюджетида айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори**

**минг сўмда**

| **Т/р** | **Ҳудуд номи** | **Миқдор** |
|---|---|---|
| 1 | Сўх тумани | 247 000,0 |



2023-01-07 14:42:11